

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.T.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАКИМОВ ЗАФАР ТУЛЯГАНОВИЧ

**МАЪЛУМОТЛАРНИ УЗАТИШ ТОЛА-ОПТИК ТИЗИМЛАРИНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ ВА ҚУРИЛМАЛАРИ**

**05.04.02 – Радиотехника, радионавигация, радиолокация ва телевидение тизимлари
ва қурилмалари. Мобиль, тола-оптик алоқа тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract Doctoral (DSc) dissertation

Хакимов Зафар Туляганович

Маълумотларни узатиш тола-оптик тизимларининг самарадорлигини
ошириш усуллари ва қурилмалари..... 3

Хакимов Зафар Туляганович

Методы и устройства повышения эффективности волоконно-
оптических систем передачи информации..... 27

Khakimov Zafar Tulyaganovich

Methods and devices for increasing the efficiency of fiber-optic information
transmission systems..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАКИМОВ ЗАФАР ТУЛЯГАНОВИЧ

**МАЪЛУМОТЛАРНИ УЗАТИШ ТОЛА-ОПТИК ТИЗИМЛАРИНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ ВА ҚУРИЛМАЛАРИ**

**05.04.02 – Радиотехника, радионавигация, радиолокация ва телевидение тизимлари
ва қурилмалари. Мобиль, тола-оптик алоқа тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.DSc/T428 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати³ уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Давронбеков Дилмурод Абдужалилович техника фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Мусаев Муҳаммаджон Махмудович техника фанлари доктори, профессор Гулямов Шухрат Манапович техника фанлари доктори, профессор Алиев Равшан Маратович техника фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 24 август соат 9⁰⁰ даги мажлисида ZOOM платформаси орқали **on-line** шаклда бўлиб ўтади. **Zoom идентификатори: 330 044 4963; Код: 1.** (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (+99871) 238-64-43; факс: (+99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (**22.1** рақам билан рўйхатга олинган).
(Манзил: 100084, Тошкент, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (+99871) 238-65-44.

Диссертация автореферати 2021 йил «12» август да тарқатилди.
(2021 йил «11» август даги 3 рақамли реестр баённомаси.)



И.Х.Сиддиқов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Э.Хужаматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиб, PhD, доцент

Р.М. Алиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раис ўринбосари, т.ф.д., доцент

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда спектрал самарадорликни ошириш усуллари ва қурилмалари, маълумотларни узатиш тола-оптик тизимларининг маълумотларни узатиш тезлигини ошириш алгоритмларни ва усуллари ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Спектрал характеристикаларни линеризациялаш моделлари ва усуллари ишлаб чиқиш, толали оптик алоқа линияларининг диагностика қилиш, физик катталикларни ўлчаш ва назорат қилиш учун оптик толаларнинг қўлланishi бўйича ишлар энг долзарб масалалар ҳисобланади. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида, жумладан АҚШ, Франция, Дания, Хитой, Япония, Россия Федерацияси, Ҳиндистон, Сингапур ва бошқаларда маълумотларни узатиш тола-оптик тизимларининг самарадорлигини ошириш усуллари ва қурилмаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Атроф-муҳит ҳарорати ўзгарганда толали оптик кабелнинг оптик параметрларини тадқиқ қилиш ҳам долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда оптик толали каттиқ жисмли конструкцияларнинг бузилиши ва деформацияланишини оптик толали ёруғлик ўтказгичларининг қўлланиши билан диагностика қилиш, толали оптик алоқа линиялари асосий элементларининг ишлаш қобилиятини диагностика қилиш усуллари ва қурилмаларини ишлаб чиқишга, шунингдек, объектнинг кириш ва чиқиш параметрлари орасидаги қонуниятларни моделлаштириш, атроф-муҳит ҳарорати ўзгарганда оптик толали кабелнинг оптик параметрларини тадқиқ қилиш усуллари ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда толали оптик маълумотларни узатиш тизимларининг самарадорлигини ошириш усуллари ва қурилмаларини ишлаб чиқиш бўйича кенг қўламли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “... иқтисодиётга, ижтимоий соҳага, бошқарув тизимларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ... тадқиқот ва инновацияларни рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш...” каби вазифалар белгиланган¹.

Ушбу диссертация тадқиқотлари маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги №ПФ-4947 “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 19 февралдаги №ПФ-5349 “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 5 октябрдаги №ПФ-6079 “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 мартдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-ПФ Фармони

№ПҚ-2834 “Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ва ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларни бажарилишига хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқотлар фан ва технологиялари ривожланишининг IV «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.

Маълумотларни узатиш тола-оптик тизимларининг самарадорлигини ошириш усуллари ва қурилмалари, қаттиқ жисмларнинг бузилиши, деформацияланишини, толали оптик алоқа линиялари элементларининг ишлаш қобилиятини диагностика қилиш қурилмалари, атроф-муҳит ҳарорати ўзгарганда оптик толали кабелнинг характеристикаларини тадқиқ қилиш, объектнинг кириш ва чиқиш параметрлари орасидаги қонуниятларни нейрон-норавшан моделлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртларида, шу жумладан Cornell University, University of Wisconsin, Nokia Bell Labs, Iona College, Ford Motor Company Limited (АҚШ), University of Toronto (Канада), Sorbonne Université (Франция), Technical University of Denmark (Дания), Huazhong University of Science and Technology, Changchun Institute of Optics Fine Mechanics, Huawei компанияси, Northeastern University, Chinese Academy and Sciences (Хитой), Tokyo Institute of Technology (Япония), М.А.Бонч-Бруевич номидаги Санкт-Петербург Давлат телекоммуникация университети (СПбДТУ), Москва физика-техника институти (МФТИ), Сибир давлат телекоммуникация ва информатика университети (СибДТИУ), Авиация тизимлари давлат илмий-тадқиқот институти (АТДИТИ), Санкт-Петербург давлат университети (СПбДУ) (Россия Федерацияси), Motilal Nehru National Institute of Technology (Ҳиндистон), National University of Singapore (Сингапур), Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида (ТАТУ) (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Нейрон-норавшан усуллар асосида объектнинг кириш параметрлари ва унинг чиқиш ҳолатлари орасидаги қонуниятларни аппроксимациялаш моделларини ишлаб чиқиш Iona College, Ford Motor Company Limited (АҚШ), Sorbonne Université (Франция), Tokyo Institute of Technology (Япония), Northeastern University, Chinese Academy and Sciences (Хитой), АТДИТИ, СПбДУ (Россия Федерацияси), ТАТУда (Ўзбекистон) ўтказилган. Маълумотларни узатиш тола-оптик тизимларининг самарадорлигини ошириш соҳасида жаҳоннинг етакчи мамлакатларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги натижаларга эришилди: Cornell University, University of Wisconsin, Nokia Bell Labs (АҚШ), University of Toronto (Канада), Technical University of Denmark (Дания), Huazhong University of Science and Technology, Changchun Institute of Optics Fine Mechanics, компания Huawei (Хитой), СПбДТУ, МФТИ, СибДТИУ (Россия

Федерацияси), Motilal Nehru National Institute of Technology (Хиндистон), National University of Singapore (Сингапур), ТАТУларда (Ўзбекистон) оптик толали алоқа линияларининг спектрал характеристикаларни линеризациялаш, конструкцияларининг бузилиши, элементларининг ишлаш қобилиятини диагностика қилиш усуллари ва қурилмалари тадқиқ қилинган ҳамда ишлаб чиқилган.

Жаҳонда маълумотларни узатиш тола-оптик тизимларининг самарадорлигини ошириш масалаларини ечиш учун қуйидаги истиқболли йўналишлар бўйича изланишлар олиб борилмоқда: математик моделлар ва ҳисоблаш алгоритмларини олиш, дастурий таъминотни яратиш ва такомиллаштириш, оптик толали алоқа линияларининг спектрал характеристикалари линеризациялаш, физик катталикларни ўлчаш ва назорат қилиш, оптик толали алоқа линияларининг элементларининг диагностика қилиш усуллари ва қурилмаларини ишлаб чиқиш, ҳарорат ўзгаришида оптик толаларнинг характеристикаларини тадқиқ қилиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маълумотларни узатиш тола-оптик линияларининг спектрал характеристикалари линеризациялаш, физик катталикларни ўлчаш ва назорат қилиш, оптик толали алоқа линияларининг элементларининг диагностика қилиш усуллари ва қурилмаларини яратиш ҳамда ишлаб чиқиш, нейро-норавшан моделлаштириш, ҳарорат ўзгаришида оптик толаларнинг характеристикаларини тадқиқ қилишга Р.Chakrabarti, Michael K.Barnoski, David Bailey, Edwin Wright, Roger L.Freeman, Zhang Chuan Hao, T.Takagi, M.Sugeno, E.A.Зак, В.Н.Листвин, А.Б.Семенов, А.Н.Степутин, И.К.Даугавет, Э.Я.Геча ва бошқалар сезиларли ҳисса қўшишди.

Ўзбекистон Республикасида маълумотларни оптик толали узатиш тизимларининг самарадорлигини ошириш усуллари ва қурилмалари Т.Д.Ражабов, А.М.Назаров, Р.И.Исаев, Б.Н.Рахимов ҳамда бошқаларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган. Нейро-норавшан технологиялар, норавшан киритиш қодаларидан фойдаланиладиган жараёнларни тадқиқ этиш масалалари М.М.Комилов, З.Б.Мингликулов, Д.Т.Мухамедиева илмий ишларида кўриб чиқилган.

Бу соҳадаги тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, айтиб ўтилган муаллифларнинг илмий ишларида телекоммуникация тизимларига нисбатан нейро-норавшан моделлаштириш, лазерни оптик тола билан оптик мослаштириш коэффициентини ошириш, физик катталикларни ўлчаш ва назорат қилиш учун оптик толалардан фойдаланиш, толали оптик алоқа линиялари элементларини диагностика қилиш, оптик кабелли оралиқларида километрлик сўнишнинг ҳароратга боғлиқликлари етарли даражада тадқиқ қилинмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент ахборот технологиялари университетиде бажарилган 17/12-сонли “Ўзбекистон Республикаси транспорт тармоғининг мавжуд синхронлаштириш тизимини таҳлил қилиш

ва сифат кўрсаткичларини баҳолаш ҳамда синхронлаштириш тизимини оптималлаш бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқиш” (2012), №ЕА5-003 “Толали оптик кенг полосали алоқа линияларини диагностика қилиш усулини ишлаб чиқиш” (2014-2015), №18-14-сонли “SDH мультиплексли секцияларининг ишлашига атроф-муҳит ҳароратининг таъсирини тадқиқ қилиш” (2014-2015), №А5-059-сонли “Атроф-муҳит ҳароратининг таъсири остида толали оптик алоқа линияларининг ишлаш қобилиятини тестлаш учун ўлчов стендини ишлаб чиқиш ва яратиш” (2015-2017) илмий-тадқиқо ишлари доирасида олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Маълумотларни узатиш тола-оптик тизимларининг самарадорлигини ошириш усуллари, қаттиқ жисмли конструкцияларнинг бузилишлари, деформацияланиши, толали оптик алоқа линиялари элементларини ишлаш қобилиятини диагностикалаш қурилмаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маълумотларни узатиш тола-оптик тизимларининг самарадорлигини ошириш усуллари йўлларини, шунингдек толали оптик алоқа линиялари кўрсаткичларига таъсир қиладиган омиллар ва узатиш тола-оптик тизимларида маълумотларни узатиш тезлигини ошириш чегараларини таҳлил қилиш;

оптик сигнални киритиш усули ва характеристикалари яхшилانган югурма тўлқин кучайтиргичини ишлаб чиқиш;

регрессион, нейро-норавшан моделлар, Сугено норавшан билимлар базаси ёрдамида толали оптик алоқа линияларининг спектрал характеристикаларини моделлаштириш ва ҳисоблаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

толали оптик ёруғлик ўтказгичидан фойдаланиш билан қаттиқ жисмли конструкцияларнинг бузилишлари ва деформацияланишларини диагностика қилиш учун бўсағавий сезгирлигини оширилган қурилмани ишлаб чиқиш;

маълумотларни узатиш тизимларида ишлатиладиган толали оптик алоқа линияларининг асосий элементларини аниқлаш ва уларнинг ишлаш қобилиятини диагностика қилиш қурилмасини ишлаб чиқиш;

толали оптик кабелни тадқиқ қилиш учун кенг ҳароратлар диапазонини таъминлайдиган иқлимий камерани ишлаб чиқиш ва мусбат ҳароратлар диапазонида оптик рефлектометр ёрдамида толали оптик кабелнинг километрик сўниш ўлчашларини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маълумотларни узатиш тола-оптик тизимларининг элементлари ва қурилмалари, уларнинг параметрлари ва хусусиятлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети маълумотларни узатиш тола-оптик тизимларининг спектрал самарадорлигини ошириш усуллари, бузилишларни ва толали оптик алоқа линиялари элементларини ишлаш қобилиятини диагностика қилиш қурилмалари, ҳароратлар диапазонида оптик толаларнинг характеристикаларини тадқиқ қилиш экспериментал комплексини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишда қўйилган масалаларни ечишда эмпирик ва назарий тадқиқотлар, математик ва сонли моделлаштириш, тизимли таҳлил, шунингдек, ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба қирралари юпқа қатламли кремний монооксидли, эллипс шаклдаги микролинзали оптик мослаштирилган югурма тўлқин кучайтиргичи ва оптик сигнални киритиш усули яратилган;

толали оптик алоқа линияларининг спектрал характеристикасини модели ва алгоритми ишлаб чиқилган;

қаттиқ жисмли конструкцияларнинг бузилишини, деформациясини диагностикаловчи бўсағавий сезгирлиги оширилган қурилма ва усул яратилган;

оптик толанинг бутунлигини ва DDM тизимли SFP-модуллارнинг ишлаш қобилиятини диагностикаловчи қурилма яратилган;

ҳарорати кенг диапазонда ўзгарувчи оптик толали кабел параметрларининг стабиллигини синашни иқлимий қурилмаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кириш ва чиқиш ўзгартиргичларини ташкил қилишнинг турли хил вариантларига эга бўлган сирт акустик тўлқинлардаги филтронинг геометрик ўлчамларини ҳисоблаш ва толали оптик алоқа линияси аппросимациялаш дастурлари ишлаб чиқилган бўлиб, бу ҳисоблаш жараёни вақтини 2-3 барава қисқартиришга имкон берди;

ўрнатилганки, тўлқин узунлигининг 1/4 қисми қалинлигидаги (яъни ўртача 0,1 дан 0,4 мкм гача) кремний монооксиди юпқа қатламини вакуумли ўтказиш билан резонатор қирраларини ёритиш ва югурма тўлқин кучайтиргичида эллипс шаклдаги микролинзалар ёрдамида оптик мослаштириш унинг кучайтиришини 12 дБдан 22-24 дБгача оширди, қайтариш коэффицентини 5-6 фоизгача камайтирди, нурланишни киритиш-чиқариш коэффицентлари 50 фоизгача орттирди;

қаттиқ жисмли конструкцияларнинг бузилиши ва деформацияланишини диагностика қилиш учун қурилма ишлаб чиқилган бўлиб, унда такт генератори, триггер, иккинчи қувват кучайтиргичи ва носсиметрик улагичлардан фойдаланиш бирламчи ўзгартиргичнинг 0,1 мкм бўсағавий сезгирлигига эришишга имкон берди;

оптик толаларнинг яхлитлиги, DDM тизимили SFP-модулларнинг ишлаш қобилиятини текширишга имкон берадиган ва диагностика қилиш вақтини ўртача 10-20 фоизга қисқартирадиган толали оптик алоқа линиялари элементларини диагностика қилиш қурилмаси ишлаб чиқилган;

синовлар учун кенг ҳарорат диапазонини (-90° Сдан $+90^{\circ}$ Сгача) таъминлашга имкон берадиган иқлимий қурилмаси ишлаб чиқилган бўлиб, унда камеранинг ички ҳажмини совутиш/қиздириш учун суюқ азот/ўта қиздирилган сув буғлари ишлатилади ва ҳарорат ўзгаришида оптик толали

кабелнинг километрик сўнишини тадқиқ қилиш учун экспериментал комплекс ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги маълумотларни узатиш тола-оптик тизимларини самарадорлигини ошириш усуллари ва қурилмаларини таҳлил қилиш ва ишлаб чиқишда масалаларни тўғри қўйилиши билан асосланади, бунда олинган натижаларни реал маълумотлар билан текшириш, шунингдек олинган натижаларни миқдоран ва сифат жиҳатдан баҳолаш билан бажарилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти толали оптик алоқа линияларининг спектрал характеристикасини регрессион, нейро-норавшан моделлар, Сугено норавшан билимлар базаси ёрдамида аппроксимациялаш, ҳисоблаш алгоритми ва модели, юклама таъсири остида ёруғлик ўтказгичларида ёруғлик оқими интенсивлигининг ўзгаришига асосланган қаттиқ жисмли конструкцияларнинг бузилишини, деформациясини диагностикаловчи, эллипс шаклдаги микролинзали оптик мослаштирилган югурма тўлқин кучайтиргичга оптик сигнални киритиш усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Диссертация иши натижаларининг амалий аҳамияти ҳисоблаш вақтини қисқартиришга имкон берадиган сирт акустик тўлқинларидаги филтрининг геометрик ўлчамларини ҳисоблаш ва толали оптик алоқа линиясини спектрал характеристикасини аппроксимациялаш дастурларини, қирралари юпқа қатламли кремний монооксидли, эллипс шаклдаги микролинзали оптик мослаштирилган югурма тўлқин кучайтиргичини, оптик толанинг бутунлигини, DDM тизимли SFP-модулларнинг ишлаш қобилиятини, қаттиқ жисмли конструкцияларнинг бузилишини, деформациясини диагностикаловчи, ҳарорати кенг диапазонда ўзгарувчи оптик толали кабел параметрларининг стабиллигини синашни иқлимий қурилмаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маълумотларни узатиш тола-оптик тизимларининг самарадорлигини ошириш усуллари ва қурилмалари асосида:

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан “Алоқа узатишда оптотолали тизимлар спектрал характеристикаларини оптималлаштириш ва тасҳислаш қурилмаси” ихтирога патент олинган (№IAP 04465 - 2011). Натижада югурма тўлқин кучайтиргичида кучайтриш 22-24 дБга кўтарилган, қайтариш коэффиенти 5-6 фоизгача камайган, нурланишни киритиш-чиқариш коэффицентлари 50 фоизгача кўтарилган;

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан “Қаттиқ танали конструкциялар деформациясини ва бузилишини ташҳис қилиш қурилмаси” ихтирога патент олинган (№IAP 05166 - 2016). Натижада бирламчи ўзгартиргичнинг бўсағавий сезгирлиги 0,1 мкмга етган;

қирралари юпқа қатламли кремний монооксидли, эллипс шаклдаги микролинзали оптик мослаштирилган югурма тўлқин кучайтиргичи ва оптик сигнални киритиш усули ҳамда толали оптик алоқа линияларининг спектрал

характеристикасини модели ва алгоритми Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги корхоналарда, хусусан “Uzneftgazaloqa” ИЧАТБ МЧЖ, “Ўзбектелеком” АК “Телекоммуникацион транспорт тармоғи” филиали ва “ALOQALOYINA” ДУКга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 02.06.2021 йилдаги 33-8/3973-сонли маълумотномаси). Натижада югурма тўлқин кучайтиргичида кучайтриш 22-24 дБга кўтарилган ва ҳисоблаш жараёни вақтини 2-3 барабар қисқартириш имконини берган;

қаттиқ жисмли конструкцияларнинг бузилишини, деформациясини диагностикаловчи бўсағавий сезгирлиги оширилган ҳамда оптик толанинг бутунлигини ва DDM тизимли SFP-модулларнинг ишлаш қобилиятини диагностикаловчи қурилмалари Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги корхоналарда, хусусан “Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” ДУК, “ALOQALOYINA” ДУК, “Бинолардан фойдаланиш ва капитал қурилиш дирекцияси” Давлат муассасасига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 02.06.2021 йилдаги 33-8/3973-сонли маълумотномаси). Натижада бу бирламчи ўзгартиргичнинг 0,1 мкм бўлган бўсағавий сезгирлигига эришишга ва толали оптик алоқа линиялари элементларини диагностика қилиш вақтини 10-20 фоизга қисқартириш имконини берган;

ҳарорати кенг диапазонда ўзгарувчи оптик толали кабел параметрларининг стабиллигини синашни иқлимий ҳамда оптик толанинг бутунлигини ва DDM тизимли SFP-модулларнинг ишлаш қобилиятини диагностикаловчи қурилмалари Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги корхонада, хусусан “Ўзбектелеком” АК “Телекоммуникацион транспорт тармоғи” филиалига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 02.06.2021 йилдаги 33-8/3973-сонли маълумотномаси). Натижада бу оптик толали кабелнинг параметрларини кенг ҳароратлар диапазонида (-90°C дан $+90^{\circ}\text{C}$ гача) тадқиқ қилиш имконини берган ва ҳарорат $+18^{\circ}\text{C}$ дан $+76^{\circ}\text{C}$ гача ўзгаришида толали оптик кабелдаги йўқотишлар 14 фоизни ташкил этиши аниқланган;

“UNICON.UZ” ДУК томонидан “Сирт акустик тўлқинлардаги эквидистант аподизацияланмаган филтърнинг топологиясини ҳисоблаш”, “САТ филтърининг геометрик ўлчамларини ҳисоблаш”, “Оптик толали алоқа линиясининг спектрал характеристикасини аппроксимациялаш” дастурларининг белгиланган функцияларни тўлиқ бажариши ва улардан вазифаси бўйича фойдаланиш мумкинлигини тўғрисида хулоса берилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 02.06.2021 йилдаги 33-8/3973-сонли маълумотномаси). Натижада сирт акустик тўлқинларидаги филтърларнинг

геометрик ўлчамларини ҳисоблаш ва толали оптик алоқа линиясининг спектрал характеристикаларини аппроксимациялаш мумкин бўлган.

Тадқиқотлар натижаларининг апробацияси. Тадқиқотларнинг натижалари 10 та халқаро ва 2 та республика илмий-техник ҳамда илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотлар мавзуси бўйича барчаси бўлиб 44 та илмий ишлар, улардан 1 та монография, 2 та Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти, 18 та мақолалар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган журналларда, шу жумладан 9 та ҳорижий, 9 та республика миқёсидаги журналларда, 1 та илмий мақола бошқа тўпламлар ва жураналларда, 14 та тезис халқаро ва 5 та тезис республика илмий-техник ва илмий-амалий конференцияларида чоп этилган, шунингдек ЭҲМ учун яратилган дастурий маҳсулотларни рўйхатга олишга 3 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилмаси ва ҳажми. Диссертация иши 181 бетни ташкил этади, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари шакллантирилган тадқиқот объектлари ва предметлари аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, амалиётга жорий этилган тадқиқот натижаларининг рўйхати, чоп этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертация ишининг тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

“Маълумотларни узатиш тола-оптик тизимларининг самарадорлигини ошириш усуллари шарҳи ва таҳлили” деб номланган биринчи бобда ўтказилган таҳлил асосида кўрсатилганки, толали оптик тизимларда маълумотларни оптик узатиш муҳитидан янада самарали фойдаланиш мақсадида зичлаштириш ёки мультиплекслаш технологиялари кенг қўлланилади. Маълумотларни узатиш тола-оптик тизимларида ишлатиладиган мультиплекслаш технологияларининг, хусусан, частота бўйича ажратиладиган мультиплекслаш (FDM - Frequency Division Multiplexing), вақт бўйича ажратиладиган мультиплекслаш (TDM - Time Division Multiplexing), тўлқин узунлиги бўйича ажратиладиган мультиплекслаш (WDM - Wavelength Division Multiplexing), тўлқин узунлиги бўйича кўпол ажратиладиган мультиплекслаш (CWDM - Coarse Wavelength Division Multiplexing), тўлқин узунлиги бўйича зич ажратиладиган мультиплекслаш (DWDM - Dense Wavelength Division Multiplexing) каналларни фазовий мультиплекслаш (SDM - Spatial Division Multiplexing) технологияларининг айрим хусусиятлари келтирилган. Изланишлар ва таҳлиллар натижасида узатиш тола-оптик тизимларида сигналларни

тарқалиши муҳитининг спектрал ресурсларидан самарали фойдаланиш масалаларини ечишда ишлатилиши мумкин бўлган спектрал самарадорликнинг тўртта: спектрал, бодли, спектрал-тўлқинли, бод-тўлқинли модификациялари ўрнатилди ва шакллантирилди.

Узатиладиган маълумотлар тезлигининг ортиши тенденциясини таҳлил қилиш асосида ўрнатилдики, трафикнинг глобал йиллик ўсиши 45 фоизни ташкил қилади. Маълумотларни узатиш ҳажми ва тезлигини ортиши бўйича бундай имкониятлари, шу жумладан, фазовий мультиплекслашдан фойдаланишда пайдо бўлади.

Аниқландики, ташқи омилларнинг толали оптик кабелга таъсирини шартли равишда иккита катта синфлар: атроф – муҳит шароитлари ва инсон фаолиятига боғлиқ омилларига бўлиш мумкин. Толали оптик кабелга ҳам барча омилларнинг, ҳам алоҳида ташқи этувчиларнинг таъсири S графлар назарияси қўлланиши билан қуйидаги ифода асосида баҳолаш мумкин:


$$P_{\Sigma} = \frac{\sum_k \left[G_k \left(1 - \sum_{m,k} L_{m,k}^{(1)} + \sum_{m,k} L_{m,k}^{(2)} - \sum_{m,k} L_{m,k}^{(3)} + \dots - \dots \right) \right]}{1 - \sum_m L_m^{(1)} + \sum_m L_m^{(2)} - \sum_m L_m^{(3)} + \dots - \dots} = \frac{\sum_m \left\{ G_k \left[1 + \sum_k (-1)^k \sum_{m,k} L_{m,k}^{(k)} \right] \right\}}{1 + \sum_n \left[(-1)^n \sum_m L_m^{(n)} \right]} \quad (1)$$

бу ерда: $L_m^{(n)}$ - контурларнинг m -комбинацияси S параметрларининг кўпайтмаси; $L_{m,k}^{(k)}$ - k кесишмайдиган контурлар m -комбинацияси S параметрларининг кўпайтмаси; P_{Σ} - S параметрнинг таъсир этиши эҳтимоллиги; G_k - G тўпламининг k -элементи.

Кўрсатилганки, маълумотларнинг юқори узатиш тезлиги тақдим этиладиган 4G, 5G авлодлар мобил алоқасини янада ривожлантириш, маълумотларни юқори узатиш тезликларига эришишга имкон берадиган толали оптик алоқа тизимлари ва толали оптик алоқа линияларидан фойдаланиш орқали амалга оширилиши мумкин.

“Маълумотларни узатиш тола-оптик тизимларининг спектрал характеристикаларини тадқиқ қилиш” деб номланган иккинчи боб акусто-оптик қайта созланадиган филтёрлар ва югурма тўлқин кучайтиргичи ёрдамида толали оптик алоқа линияларининг спектрал характеристикаларини линеризациялаш усулига бағишланган. Толали оптик алоқа линиялари, уларнинг элементлари ва қурилмаларининг спектрал характеристикаларини ўлчашларни ўтказиш ва уларнинг параметрларини яхшилаш учун маълумотларни узатиш тола-оптик тизимларини диагностика қилиш ва оптималлаштириш учун қурилма ишлаб чиқилган.

Яримўтказгичли лазерда оптик резонатор кўзгусига ўтказиш орқали ёритилган кремний монооксиддан (SiO) фойдаланиладиган югурма тўлқин кучайтиргичи ишлаб чиқилган. Бу кристаллининг кўзгу юзларининг ёритиш сифати ва даражасини оширишга ҳамда мос равишда югурма тўлқин кучайтиргичининг кучайтиришини 12 дБдан 22-24 дБгача кўтаришга имкон берди. Оптик сигнални югурма тўлқин кучайтиргичига киритиш усули ишлаб чиқилган, бу ерда лазер нурланишини толали оптик лазер модулига (узаткичга) киритиш самарадорлигини ошириш учун сферасимон линзадан эмас, балки эллипссимон линзадан фойдаланилган (1-расм).



1-расм. Ишлаб чиқилган югурма тўлқин кучайтиргичи

Микрооптиканинг геометрияси ўзгартирилиши туфайли сферик микролинзаларни эллиптик линза билан алмаштириш лазерни тола билан оптик мослаштириш коэффицентини 35-40 фоиздан 70-78 фоизгача ошишини берди. Қалинлиги тўлқин узунлигининг 1/4 қисми (яъни ўртача 0,1 дан 0,4 мкм гача) бўлган кремний монооксиди юпқа қатламларидан фойдаланиш қайтариш коэффицентини 5-6 фоизгача камайтиришга имкон берди, нурланишни киритиш-чиқариш коэффицентлари 50 фоизгачани ташкил этди.

Маълумотларни узатиш тола-оптик тизимларининг диагностика қилиш ва спектрал характеристикаларини оптималлаштириш қурилмаси ёрдамида олинган спектрал характеристикалар чизиқларининг интенсивлиги қийматларини асосий лазерининг ҳарорати ва ишлаш режимига боғлиқлигини тадқиқ қилишни идентификациялаш учун нейро-норавшан моделлаштириш усули қўлланилди.

Аниқландики, бу боғлиқликларни идентификациялаш учун регрессион модель, Сугено норавшан билимлар базаси ва нейро-норавшан модель энг мақбул ҳисобланади. Нейро-норавшан усули асосида толали оптик алоқа линияларининг (ТОАЛ) спектрал характеристикалари моделлаштирилди ва ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилди (2-расм).



2-расм. Толали оптик алоқа линияларининг спектрал характеристикасини ҳисоблаш алгоритми

Алгоритмнинг кириш параметрлари: акусто-оптик қайта созланадиган филтърнинг (АОҚСФ) иш режими, югурма тўлқин кучайтиргичнинг иш режими, спектрал пик қиймати, тўлқин узунлиги, лазер ҳарорати. Чиқиш параметри - спектрал характеристика линияларининг интенсивлиги қийматларини ҳисобланади. Спектрал характеристика чизиқларининг интенсивлик қийматлари таянч лазерининг ҳарорати ва қурилманинг ишлаш режимига боғлиқлигини моделлаштириш натижаларини таҳлил қилиш асосида ўрнатилдики, башоратлаш хатолиги регрессион модель бўйича 7,47 фоизгача, Сугено норавшан билимлар базаси бўйича 0,03 фоизгача, нейро-норавшан модель бўйича эса 0,3 фоизгачани ташкил этди.

Аниқландики, сирт акустик тўлқинлари асосидаги танловчан элементлар замонавий алоқа қурилмаларида кенг ишлатилади. Танловчан элементлар бўлган ва телекоммуникацияларда сигналларга ишлов бериш блоклари, қурилмалари ҳамда тизимларида кенг қўлланиладиган сирт акустик тўлқинлари филтърларининг конструкциялари кўриб чиқилган. Сирт акустик тўлқинларга асосланган филтърни синтезлаш услуби таклиф қилинган. Сирт акустик тўлқинлари филтърлар топологиясини ҳисоблаш алгоритми ва дастури ишлаб чиқилган.

“Конструкцияларнинг бузилишлари ва ТОАЛ ишлаш қобилиятини диагностика қилиш учун оптоэлектрон қурилмаларни ишлаб чиқиш” деб номланган учинчи бобда физик катталикларни ўлчаш ва назорат қилиш, толали оптик алоқа линияларининг диагностика қилиш учун оптик толаларнинг қўлланиши кўриб чиқилган.

Кўрсатилганки, оптоэлектрон элементлардан, шу жумладан, толали ёруғлик ўтказгичлари қўлланиши билан механик конструкцияларнинг ҳолатини мониторинг қилиш янги тизимларни яратиш соҳасида объектнинг қуйидаги параметрларини бошқаришга имкон берадиган тизимлар энг кўп қўлланилади: деформацияланиш (чўзилиш, сиқилиш), силжиш, ёрилиш ва бузилишлар.


Деформацияланишга сезгир элемент сифатида фотоэластик материал ишлатилади, у қўйиладиган σ_x кучаниш (ёки бир ўқли ε_x деформацияланиш) таъсири остида x ўқига параллел ўқ билан кучанишга (ёки деформацияланиш) сезгир элементи сифатида ўзини тутуди. Бунда δ кечикиш вужудга келади, у қуйидагига тенг бўлади:

$$\delta = \frac{2\pi C_\sigma l}{\lambda} \sigma_x = \frac{2\pi C_\varepsilon l}{\lambda} \varepsilon_x, \quad (2)$$

бу ерда: C_σ – кучаниш бўйича оптик сезгирлик коэффициенти; C_ε – деформацияланишлар бўйича оптик сезгирлик коэффициенти; l – материал ичидаги оптик йўл узунлиги; λ – тўлқин узунлиги.

Қаттиқ жисмли конструкцияларнинг бузилишлари ва деформацияланишларини диагностика қилиш учун оптик толалар ҳам кенг қўлланилади. Конструкцияларнинг деформацияланишларни аниқлаш учун жуда кўп усул ва воситалар мавжуд. 3-расмда конструкцияларнинг

деформацияланишларни аниқлаш учун қурилма келтирилган бўлиб, у ёруғлик манбалари, узатувчи (1) ёруғлик ўтказгичи, кириш (2) ёруғлик ўтказгичи ва фотоқабул қилгичларидан оптик канални ўз ичига олади.



3-расм. Ташқи модуляциялашли толали оптик ўзгартиргичнинг схемаси:


1, 2 - ёруғлик ўтказгичлари; $I_{нм}$ - нурланиш манбасининг токи;
 $I_{фкк}$ - фотоқабул қилгич токи, x_1, \dots, x_n - таъсир қилиш параметрлари

Бундай оптоэлектрон ўзгартиргичларнинг ишлашининг физик асосларини узатиш ёруғлик ўтказгичи чиқишидан йўналтирилган диаграммасига мувофиқ қабул қилиш ёруғлик ўтказгичи киришига ўтадиган нурланиш интенсивлигининг ўзгариши (ўлчанадиган параметр таъсирида), ёруғлик ўтказгичининг ёруғликни ўтказиши ва модуляциялаш усуллари ташкил этади. Қаттиқ конструкцияларнинг бузилишлари ва деформацияланишини қаттиқ жисмли конструкцияларнинг деформацияланишини оширилган ўлчаш аниқлигида диагностика қилишни ўтказиш мақсадида усул ва қурилма ишлаб чиқилган.

4-расмда қаттиқ жисмли конструкцияларнинг бузилишлари ва деформацияланишини диагностика қилиш қурилмасининг блок-схемаси келтирилган бўлиб, у (1) таянч генератори, (2) триггер, (3), (4) қувват кучайтиргичлари, (5), (6) токни ростлаш резисторлари, (7), (8) ёруғликни нурлантирадиган диодлар, (9), (10), (11), (12) носимметрик улагичлар, (13) қаттиқ жисмли конструкция, (14), (15), (16), (17), (18) датчикларнинг ёруғлик ўтказгичлари, (19), (20) фотоқабул қилгичлар, (21) фотоэлектр сигналларга ишлов бериш блоки, (22) компьютер, (23) таъминот манбаидан ташкил топган.

Деформацияланишни ўлчаш аниқлигининг оширишга қурилма таянч генератори, триггер, иккинчи қувват кучайтиргичи ва носимметрик улагичлар билан жиҳозланганлиги орқали эришилади.

Қурилма иккита ўлчаш ва таянч каналларига эга. Ўлчаш канали ўз таркибида (3) биринчи қувват кучайтиргичи, (5) биринчи терморостлаш резистори, (7) ёруғликни нурлантирадиган диод, (9), (11) биринчи ва иккинчи носимметрик улагичлар, (14), (15) датчикларнинг ёруғлик ўтказгичлари, (19) фотоқабул қилгичга эга.




4-расм. Қаттиқ жисмли конструкцияларнинг бузилишлари ва деформацияланишини диагностика қилиш учун қурилманинг блок-схемаси

Таянч канали (4) иккинчи қувват кучайтиргичи, (6) иккинчи токни ростлаш резистори, (8) ёруғликни нурлантирадиган диод, (10), (12) учинчи ва тўртинчи носимметрик улагичлар, (16), (17), (18) датчикларнинг ёруғлик ўтказгичлари, (20) фотоқабул қилгични ўз ичига олади.

Қаттиқ жисмли конструкцияларнинг бузилишлари ва деформацияланишини диагностика қилиш учун қурилманинг ишлаш тамойили P юклама таъсири остида датчикнинг ёруғлик ўтказгичларида ёруғлик оқими интенсивлигининг ўзгаришига асосланган. Бу ўз навбатида, ўлчаш мумкин бўлган ёруғлик оқимининг интенсивлиги пасайишига олиб келади.

5,а - расмда қаттиқ жисмли конструкцияга P юклама таъсирида ёруғлик ўтказгичларининг эгилиши шартли тасвирланган, 5,б - расмда эса қаттиқ жисмли конструкциянинг бир қисмини вертикал сурилишида ёруғлик ўтказгичларининг сурилиши тасвирланган.



5-расм. Қаттиқ жисмли конструкцияга P юклама таъсирида ёруғлик ўтказгичларининг эгилиши (а), қаттиқ жисмли конструкциянинг бир қисмини вертикал сурилишида ёруғлик ўтказгичларининг сурилиши (б)

P юклама таъсирида ёруғлик ўтказгичларининг эгилиши бўлиб ўтадиган ҳолатда (5,а-расм) ўлчаш каналидаги хатоликлар қуйидаги ифода орқали аниқланади:


$$\alpha_L = -10 \lg \left[1 - \frac{4L}{\pi D} \right] \cos \alpha, \quad (3)$$

бу ерда: α_L - ўлчаш каналидаги йўқотишлар, дБ; L - (14), (15) датчикларнинг ёруғлик ўтказгичлари марказлари орасидаги сурилиш, мм; D - ёруғлик ўтказгичининг диаметри, мм; α - P юклама таъсирида (14), (15) датчикларнинг ёруғлик ўтказгичлари орасидаги сурилиш бурчаги.

P юклама таъсирида ёруғлик ўтказгичларининг вертикал сурилиши ҳолати учун (5,б-расм) ёруғлик нурланишини ўлчаш каналидаги йўқотишлар қуйидаги ифодадан аниқланади:

$$\alpha_L = -10 \lg \left[1 - \frac{4L}{\pi D} \right]. \quad (4)$$

Ўлчаш каналидаги α_L йўқотишларни қурилманинг ёруғлик ўтказгичларининг марказлари орасидаги L сурилиш ва уларнинг D диаметри нисбатларига боғлиқлиги характеристикаси (6-расм) экспериментал йўл билан олинган. Бу характеристика бўйича (14) датчикнинг биринчи ёруғлик ўтказгичидан (15) датчикнинг иккинчи ёруғлик ўтказгичига бутун ёруғлик оқими кирмаслиги туфайли юзага келадиган ўлчаш каналидаги ёруғлик нурланишининг йўқотилишини аниқлаш мумкин.




6-расм. Қурилма датчигининг статик характеристикаси

Экспириментал ўрнатилдики, (14), (15) ёруғлик ўтказгичлари орасидаги тирқиш тахминан 10 мкмга ўзгарганда ўлчанадиган деформацияланиш 0,1 мкмдан 20 мкмгачани ташкил қилди, бирламчи ўзгартиргичнинг бўсағавий сезгирлиги эса 0,1 мкмни ташкил этди.


Ишлаб чиқилган усул ва қурилма ёрдамида темир-бетон жиҳозга киритилган оптик толанинг деформацияланишини ўлчаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди. 7-расмда толали оптик кабелдаги сўнишни темир-

бетон жиҳоздаги ёриқларнинг ўлчамларига боғлиқлиги графиги келтирилган.



7-расм. Толали оптик кабелда сўнишнинг темир-бетон жиҳоздаги ёриқларнинг ўлчамларига боғлиқлиги

Замонавий толали оптик алоқа линиялари элементларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, толали оптик кабеллар ва SFP-модуллари дейиладиган кичик ўлчамли оптик қабул қилгичлар-узаткичлар кенг қўлланилади. DDM технологияли SFP-модулларининг ишлаш қобилиятини диагностика қилиш, оптик толанинг кириши ва чиқишдаги сигналларнинг сатҳларини ўлчаш, ўлчанган маълумотларни кейинги ишлов бериш учун компьютерга узатиш имконияти билан маълумотларни қурилма хотирасида сақлаш, шунингдек, унинг вазни ва ўлчамларини камайтириш, мобилликни таъминлаш ва таннархини пасайтириш масалаларини амалга ошириш учун толали оптик алоқа линияларининг элементларини диагностика қилиш қурилмаси ишлаб чиқилган (8-расм).



8-расм. Толали оптик алоқа линияларининг элементларини диагностика қилиш учун қурилманинг тузилиш схемаси (ОТ – оптик тола)

Қурилма алмаштириладиган (1) SFP-модули, (2) SFP-модулни уланиши учун улагич, (3) SFP-модули интерфейси ўзгартиргичи, (4) микроконтроллер, (11) таъминот манбаига эга. (4) Микроконтроллернинг мос портларига (5) бошқариш пульти, (6) рақамли индикатор, (7) соатлар блоки, (8) иш режимини индикациялаш блоки, (9) қайта дастурланадиган доимий хотира қурилмаси, (10) таъминот контроллери, (12) USB/USART ўзгартиргичи уланган.

“Ҳароратлар диапазонида оптик толанинг характеристикаларини тадқиқ қилиш учун ихтисослаштирилган ўлчов стендини ишлаб чиқиш” деб номланган тўртинчи боби оптик кабелнинг чўзилишлар ва атроф-муҳит ҳароратининг ўзгаришлари шароитларида ишлатишнинг ўзига хос хусусиятлари, толанинг оптик параметрларининг кенг ҳароратлар диапазонида тадқиқ қилиш учун иқлимий камерани ишлаб чиқишга бағишланган.

Кўрсатилганки, маълумотларни узатиш тармоқлари ва тизимларида қўлланиладиган ва бинолардан ташқарида ишлатиладиган оптик кабелларга ташқи механик таъсирларга чидамлилиқ ва ишончлилиқ талабларидан ташқари, атроф-муҳитнинг турли ҳароратларида ишлаш барқарорлиги талаблари ҳам қўйилади.

Ўрнатилдики, толали оптик кабелнинг ишлатилиши жараёнида унга тортиш юкламаси таъсирида оптик модулнинг ε_Q^{OM} бўйлама деформацияланиши ва унинг ўқи бўйлаб оптик модулнинг ε_T^{OM} термоэластик деформацияланиши таъсир кўрсатади. Таҳлиллар ва тадқиқотлар асосида ўқ бўйлаб турли толали оптик кабел кесимлари учун оптик тола технологик захирасининг қуйи чегаралари умумлаштирилган (1-жадвал).


1-жадвал

Толали оптик кабел кесимларининг ҳар хил турларида оптик модулнинг бўйлама ва термоэластик деформацияланишлари

№	Ўқ бўйлаб толали оптик кабел кесимлари турлари	Кабелга тортиш юкламаси таъсирида оптик модулнинг бўйлама деформацияланиши, ε_Q^{OM}	Ўқи бўйлаб оптик модулнинг термоэластик деформацияланиши, ε_T^{OM}
1	Тўғри чизиқли	$\frac{Q}{\sum_{i=1}^n k_i}$	$\left[\alpha_1 + \frac{\sum_{i=1}^{n-1} k_{i+1} (\alpha_{i+1} - \alpha_1)}{\sum_{i=1}^n k_i} \right] \Delta T$
2	Спиралли	$\sqrt{1 + \frac{\varepsilon_C (\varepsilon_C + 2)}{1 + \frac{\pi^2 (D_C + D_{OM})^2}{H_{OM}^2}}} - 1$	
3	Микрокабель	Ҳисобга олинмайди	

бу ерда: Q - кабелга чўзилиш юкламаси; k_i - толали оптик кабел қатламларининг бўйлама қаттиқлиги; D_C - марказий элементнинг диаметри; D_{OM} - оптик модулнинг диаметри; H_{OM} - оптик модулнинг ўралиши қадами; ε_C - кабелнинг ўқи бўйлаб деформацияланиши; α_i - толали оптик кабел қатламларининг чизиқли кенгайиши ҳарорат коэффиценти; ΔT - ҳароратлар фарқи.

Оптик ўтказгичларнинг ҳарорат ўзгаришига боғлиқлигини аниқлаш учун махсус иқлимий камераси ишлаб чиқилди ва яратилди. Ҳароратларни ўзгаришлари кенг диапазонига (-90°C дан $+90^{\circ}\text{C}$ гача) иқлимий камеранинг ички ҳажмини совутиш ва иситиш учун мис қувурчадан тайёрланган махсус ички ғалтак ишлатилиши туфайли эришилади, у орқали суяқ азот ёки ўта қизидирилган сув буғини миқдорлаб бериш мумкин (9-расм).




9-расм. Иқлимий қурилманинг умумий кўриниши:

